

МАКТАБ ИНФОРМАТИКА ФАНИДАН ЎҚУВЧИЛАР БИЛИМИНИ ТЕКШИРИШНИНГ ШАКЛЛАРИ ВА МЕТОДЛАРИ

Мадихонова Мубинахон Файзулло қизи

АндДУ Педагогика институти магистри

<https://doi.org/10.5281/zenodo.6780329>

Аннотация. Мақолада ўрта мактабларда ўқувчилар билимини текширишнинг шакллари ва методлари келтирилган. Шу билан бирга Информатика фанидан ўқувчилар билимини текширишнинг асосий шаклларида тест шакли ва уларни яратиш тўғрисида маълумотлар баён қилинган.

Таянч сўзлар: информатика, тест, iSpring QuizMaker, дастурлаш, интерфаол, дастурчи, дастурий таъминот, компьютер, методика.

ФОРМЫ И МЕТОДЫ ПРОВЕРКИ ЗНАНИЙ УЧАЩИХСЯ ПО ШКОЛЬНОЙ ИНФОРМАТИКЕ

Аннотация. В статье представлены формы и методы проверки знаний учащихся общеобразовательной школы. При этом описывается информация о формах тестирования и их создании из основных форм проверки знаний учащихся по информатике.

Ключевые слова: информатика, тестирование, iSpring QuizMaker, программирование, интерактив, программист, программное обеспечение, компьютер, методология.

FORMS AND METHODS OF TESTING STUDENTS' KNOWLEDGE OF SCHOOL INFORMATICS

Abstract. The article presents the forms and methods of testing, students knowledge in secondary schools. At the same time, information on the test forms and their creation from the main forms of testing students knowledge of computer science is described.

Keywords: informatics, testing, iSpring QuizMaker, programming, interactive programmer, software, computer, methodology.

КИРИШ

Оммавий ахборот воситаларида ёшларнинг компьютерга, смартфонларга муқасидан кетиб қизикаётгани ҳақида кўп гапирилади. Кўпинча, бу ҳол салбий маънода талқин қилинади. Агар бугунги ёшлар ўз замонида, яъни ахборот асрида яшаётганини инобатга оладиган бўлсак, уларнинг кўпроқ ахборотга интилаётганининг гувоҳи бўламыз.

Ҳозирги кунда Word, Excel, PowerPoint дастурлари фан ўқитувчиларининг кундалик курулларига айланиб улгурди. Таълим соҳасига кириб келган янгиликлардан яна бири бу — Power Point дастурида iSpring иловаларининг пайдо бўлишидир. Ушбу иловалар PowerPoint дастуридаги анимациялар яратишга, интерфаол тестлар тузишга имкон беради.

Интерфаол тестлар мактабда фанлардан ўқувчилар билимини текширишнинг энг замонавий шаклларида биридир. Интерфаол тестларнинг имконияти электрон шаклда ечилади ва жавоби шу заҳоти айтилади. Уларнинг ўзига жалб қилувчи томони — мултимедиа ва навигация элементларининг қўлланилганлиги, ҳамда ичига интерфаол таълим усуллари сингдирилганлигидир.

iSpring иловалари таркибига iSpring Free, iSpring Pro, iSpring SUITE, iSpring QuizMaker каби компонентлар киради. Хусусан, iSpring QuizMaker иловаси интерфаол тестлар тузиш учун мўлжалланган бўлиб, тестология фанининг деярли барча ютуқлари ушбу мўъжазгина дастурда жамланган.

iSpring QuizMaker иловасини PowerPoint дастурига ўрнатиш iSpring Suite дастуридан бошланади. iSpring Suite дастурлар пакетига iSpring Pro, iSpring QuizMaker, iSpring Kinetics иловалари жамланган бўлиб, iSpring QuizMaker дастури аудио, видео файллар, тасвир ва формулалар ёрдамида интерактив тестлар ва анкеталар яратиш имконини беради.

ТАДҚИҚОТ МЕТОДИ ВА МЕТОДОЛОГИЯСИ

iSpring QuizMaker дастурида педагогик интерфаол тестларнинг 11 хил шакли келтирилган. Тестлар учун созиламаларда битта тестга қайта-қайта бир неча марта жавоб бериш ва ўзгартириш имконияти мавжуд. Ҳар бир тестга муайян балл белгилаш мумкин. Шунгдек, қисман тўғри жавобларни бериш, савол ва жавобларни аралаштириш, вақт белгилаш, ҳар бир жавобнинг натижасини кўрсатиб бориш ёки бир йўла тест яқунланганда натижани кўрсатиш, хатоларни таҳлил қилиш ҳам мумкин. Бу имкониятлардан фойдаланиб назорат тестларини ўргатувчи тестларга айлантириш мумкин. Бу эса тезкор ва самарали ўқитиш усулларида бири ҳисобланади. Тестларнинг саволлари ва жавобларига турли расм, схема ва формулаларни бириктириш мумкин. Ҳар бир шакл муайян дидактик жиҳатларга эга. Уларни QuizMaker дастуридаги кетма-кетлик бўйича келтирамиз.

Биринчи шакли, “Тўғри/нотўғри” шаклидаги ёпиқ тест — бунда берилган саволга 2 хил жавоб қайтариш мумкин “тўғри/нотўғри”, “ҳа/йўқ” ва ҳоказо). Бундай тестларда ўқувчининг ахборотни билиши синалади.

Иккинчи шакли, битта тўғри жавобли ёпиқ тест - бир неча вариантдан керакли жавобни танлаш. Бу тестга анъанавий 4 жавобли тестлар мисол бўлади. Бу тестда ўқувчидан тўғри жавобни нотўғри жавоблардан фарқлаш талаб этилади.

Учинчи шакли, бир неча тўғри жавобли ёпиқ тест. Бу тест олдингисидан сал мураккаброқ бўлиб, ўқувчидан тўғри жавобларни ва уларнинг сонини аниқ билиш талаб этилади.

Тўртинчи шакли, матн киритиладиган очик тест - жавобни сатрга киритиш йўли билан жавоб берилади. Бу тест олдингиларидан фарқлироқ бўлиб, ўқувчидан аниқ жавобни билиши ва уни тўғри киритиши талаб этилади.

Бешинчи шакли, мосликни аниқлаш тести - ўқувчидан жавоблар ёзилган тугмачаларни ҳаракатлантириб бир-бирига бириктириш талаб этилади. Бу тестда навигация элементлари ишлатилганлиги учун бошқаларидан анча қизиқарли. Бу тестда битта савол ичида бир нечта муаммо берилади. Бироқ, ўқувчи осон жавобларни топса, мураккаб жавоблар ўз-ўзидан маълум бўлади. Бу вазият ўқувчини мантикий фикрлашга ўргатади.

ТАДҚИҚОТ НАТИЖАСИ

Олтинчи шакл, тартибга келтириш тести - бу тестда жавоблар берилган бўлиб, уларни муайян кетма-кетликда жойлаштириш талаб этилади. Бу тестда ҳам навигация элементи қўлланилганлиги сабабли у бошқаларига қараганда қизиқарлироқдир. Бу тестда

хам мантикий фикрлаш талаб этилади, бироқ мослик тестидаги каби жавоблар ўз-ўзидан маълум бўлиб қолмайди. Шу сабабли бу тест бошқаларидан анча мураккаб ва қизиқарли ҳисобланади.

Еттинчи шакл, сон киритиладиган очик тест - очик тестнинг (4-турдаги тестнинг) хусусий шакли бўлиб, ўқувчидан аниқ жавобни билиши ва сатрга сонни ёзиш талаб этилади. Бироқ, бу тестнинг ўзига хослиги шундаки, унга жавобни аниқ, тахминий ёки, маълум бир ораликда бериш мумкин. Бу тест тузувчига саволни тўғри шакллантиришни, талабадан эса саволдаги иккинчи яширин маънони англаган ҳолда тўғри жавоб беришни талаб этади.

МУҲОКАМА

Саккизинчи шакл, бўш жойларга матн киритиладиган очик тест. Бу тестни тузувчи жавобларни савол ичига моҳирлик билан яшириши зарур. Ўқувчи эса гапни ўқиб, унинг маъносидан келиб чиқиб, ундаги тушириб қолдирилган бир нечта жавобларни билиши ва ёзиши талаб этилади. Бу тест ўқувчининг ёзма нутқини (лексика, грамматика, орфография) тўғри шакллантиради.

Тўққизинчи шакл, бўш жойларга матн киритиладиган ёпиқ тест – аввалги саккизинчи шаклдаги тестга нисбатан осонроқ, чунки, унда жавоблар мавжуд бўлади, ўқувчидан фақат мантикий фикрлаш ва жавобларни бир-бирига қиёслаб рўйхатдан тўғриси танлаш талаб этилади.

Ўнинчи шакл, жавобларни банкдан танлаш тести - бу тест сўзлар омборидан тўғри жавобларни танлаб, ҳаракатлантириб ўзининг жойига қўйишдир. Бу тест тузувчидан аниқ жавобни режалаштиришни, бошқа тўғри жавоблар бўлмаслигини талаб этади.

Ўн биринчи шакл, фаол соҳани белгилаш тести - бунда жавоблар сони фаол соҳалар сонига мос бўлиши талаб этилади. Ушбу тестнинг ўзига хослиги шундаки, талабанинг график тасаввурларини шакллантиради.

ХУЛОСА

Демак, замонавий педагог ёшларга яқинроқ бўлиши, уларнинг эътиборини тортиши учун iSpring дастурида тузиладиган интерфаол тестларни тузишни ўрганиши мақсадга мувофиқ.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. А. А. Абдуқодиров, Р. Ишмухамедов, А. Пардаев. Таълимда инновацион технологиялар (таълим муассасалари педагог-ўқитувчилари учун амалий тавсиялар).-Т.:Истеъдод, 2008 йил.
2. Т. Madumarov, М. Kamoldinov “Innovation pedagogik texnologiya asoslari va uni ta’lim tarbiya jarayonida qo’llash”, Т. “Talqin”, 2012 yil.
3. А. Abduqodirov, А. Pardaev “Masofali ta’lim nazariyasi va amaliyoti”, Toshkent 2010 yil.
4. А. R. Maraximov, S. I. Raxmonqulova “Internet va undan foydalanish asoslari”. O’quv qo’llanma.Toshkent 2001 yil.
5. <http://www.ispringsolutions.com> 7. www.ispring.ru
6. В. Boymetov, Qalamtasvir, darslik, Musiqa nashriyoti, Toshkent 2006 yil.
7. Т. Qo’ziyev, А. Egamov,Т. Qanoatov, А. Nurqobilov. Rangtasvir 5-9 sunflar. “San’at” jurnali nashriyoti, Toshkent 2003 yil.